

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ВА ЙУЛЛАР ИНСТИТУТИ

**«Автомобиллар техник эксплуатацияси»
кафедраси**

**«Техник тизимларни бошқариш»
фанидан
5521200 «Транспорт воситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш» йуналиши бакалаврлари учун**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТОШКЕНТ –2007 й.

Маърузалар матни «24» июл 2006 й. 167 – сонли қарор билан УЗРОУМТВ
томонидан тасдиқланган «Техник тизимларни бошқариш» фанининг дастури
асосида ишлаб чиқилди ва «Автомобиллар техник эксплуатацияси»
кафедрасининг 19 март 2007 й. (Баённома № 18) мажлисида муҳокама
қилинган ва маъқулланган.

Кафедра мудири

проф. К.М.Сидикназаров

Маърузалар матнини тузувчилар:

т.ф.н. доц. Н.М. Муминжонов

т.ф.н. доц. Д.И.Усманов

Такризчилар:

т.ф.н. М.Т.Умиров –
«Йул қурилиши машиналари»
кафедраси доценти.

Г.У.Абдукаримова –
«Автомобиллар техник эксплуатацияси»
кафедраси катта уқитувчиси

Тошкент автомобил ва йуллар институти махсус фанлар бўйича (МФБ)
илмий-услубий кенгаши (ИУК) томонидан тасдиқланган.

Мажлис баённомаси № _____ « _____ » _____ 2007 й.

ТАЙИ МФБ

проф. М.З.Мусаёнов

ИУК раиси

М У Н Д А Р И Ж А :

1. Кириш.	5
2. Техник тизимлар ва уларни бошқариш услублари хақида тушунча	6
3. Бошқариш хақида тушунча. Унинг мазмуни ва вазифалари, ташкил қилиш услублари ва талаблари	7
4. Бошқариш таркиби хақида тушунча. Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган шароитдаги тизими	16
5. Техник тизимларнинг ишлаб чиқариш таркибига ва шакллантириш услубига таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш ва бошқариш таркибларининг намунавий вариантлари	28
6. Ишлаб чиқаришни бошқаришда қарор қабул қилиш усуллари	33
7. Қарор қабул қилишнинг табақалаш усули	47
8. Тизим ҳолати хақида ахборот туплаш, аниқлаш ва тузатиш	52
9. Хужжатлар айланмаси, ишчанлик қобилиятини сақлаш тизимларида режалаш ва ҳисобга олиш	56
10. Техник тизимларни бошқаришда инсонпарварлик омилларининг тутган урни, меҳнат жамоаларини бошқариш	61
11. Транспорт ташкилотларини бошқаришнинг замонавий таркиблари	68
12. Транспорт корхоналарини бошқаришнинг техник воситалари	77
13. Ҳойдаланилган адабиётлар руйхати	89
14. Таянч иборалар руйхати	90

Кириш

Ушбу фанни ы=итишдан ма=сад талабаларга автомобил транспорт воситаларининг техник эксплуатацияси ва уларга сервис усулида хизмат кырсатишни бош=ариш ва ташкил этиш быйича билим ва кыникма олиш, транспорт воситаларининг самарадорлигини ошириш. мецнат-материал ва энергетик ресурсларни эксплуатация жараёнида тежашни ыргатишдир

Фаннинг вазифаси - техник тизимларни бош=аришнинг янги, замонавий услуб ва технологиялари, ахборот таъминоти, техник воситалари билан талабаларни таништириш; ишлаб-чи=аришни жадаллаштириш ва бош=аришнинг замонавий усулларида фойдаланган шолда тармо=нинг белгиланган меъёрий хужжатлари билан таништириш; техник тизимларни бош=ариш тушунчасини ижтимоий щаёт ва инсонпарварлик ну=таи назардан ыргатиш.

Фан быйича талабаларнинг билимига, ы=увига ва кыникмасига =ыйиладиган талаблар ишлаб чи=ариш жараёнларини бош=ариш усулларини чу=ур ызлаштириш, янги замонавий бош=ариш усуллари ызлаштириш ва ишлаб чи=ариш жараёнларига тадби= илишдан иборат.

Замонавий ы=ув технологиялари ва компьютерларни =ыллаш ы=ув жараёнидаги лаборатория ва муста=ил ишларни бажариш «Тошшацарйуловчихизмат» Давлат Ассоциацияси ва Ызбекистон автомобил ва дарё Агентлигида ва бош=а ил\ор автотранспорт корхоналарида техник тизимларни бош=ариш таркибларини ырганиш билан бо\ланган шолда олиб борилади.

Щал=аро тилларни =ыллаш талабалар муста=ил ишларини бажариш жараёнида соща быйича чет эл адабиётларидан фойдаланиш, щал=аро ахборотлардан «Интернет» тизими ор=али фойдаланиш, щамда айрим талабалар ыз рефератларини чет эл тилида (инглиз) бажаришлари ор=али эришилади.

Ўзбекистон Республикасини хар томонлама ривожлантириш иктисодий мустакиллигини куп жихатдан замон талабига жавоб берадиган рахбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига богликдир.

XXI аср инсоният хаёти ва фаолияти тарзи-тароватининг хамма сохаларига улкан узгаришларни олиб келди. Бу узгаришлар фан ва илмий тадкикотлар, техникавий ривожлантириш, янги мтаериаллар, технологиялар яратиш ва ишлаб чикаришни бошқариш сохаларида айникса эркин намоён булди.

Бошқарув мураккаб касблардан бири булиб, у нафакат тула маълумотга, балки етарли илмий тайёргарликка хам эга булиши талаб килади. Бошқарув вазифасининг мухим кисми – бу карор кабул килишдир. кабул килинадиган карорларнинг мохияти ва табиатини англай олиш учун хар бир инсон бошқарув санъатидан хабардор булиши зарур.

Бозор иктисодиёти тараккий топган давлатларнинг олий укув юртларида ун йиллар давомида ишлаб чикариш, фирма ва компания бошқаруви хакида машгулотлар олиб борилади.

АҚШда бошқарув аппаратини қайта тайёрлашга алоҳида эътибор берилади. Америкаликлар фикрича, бошқаурвчи хирургга ухшаб амалий ишда, тажрибада уқиши ва урганиши керак.

Ўзбекистон Республикасида автотранспорт корхоналарини техника хизматини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш усуллари тақомиллаштиришга катта аҳамият бериладиган техника хизматини самарадорлигига эришилади.

Мавзу 1. Қириш. Техник тизимларни бошқариш фанининг вазифалари ва мақсади.

Режа:

- 1.1 Автомобил транспортида техник тизимларни бошқаришни ҳолати ва таракқиёти йуналишлари
- 1.2 Фанни мақсади.
- 1.3 Фанни вазифаси

Ушбу фан автомобилларга техник хизмат қурсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш жараёни мисолида, автомобил транспортида содир бўлаётган таркибий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда техник тизимларни бошқариш масалаларини қуриб чиқади.

Автомобил транспортида, айниқса юк ташувчи автомобил транспортида, бозор муносабатлари билан боглиқ ўзгаришлар сезиларли ва тез содир бўлаяпти. Корхоналар ҳужалик ва иқтисодий мустақилликка эришдилар, 1992 –2006 йилларда ташиш хажмларини кескин қисқартириш транспорт хизмати бозорида рақобатчиликни ўсишга олиб келди, автотранспорт корхоналарини диверсификациясига ва кичик корхоналарга бўлиниб кетишга олиб келди. Инвентарияларни етишмаслиги, айниқса ҳаракат воситаларини сотиб олишга, жиҳоз ва материалларни иш нархини ошириши, транспорт жараёнини ишончлигига, ҳавфсизлигига ва экологиклигига талабларни ошириши корхоналарни даромадини қисқаришига ва ҳаражатларни оширишга олиб келмоқда.

Бундай шароитларда мутахассисларни тўғри танлаган ва ўз вақтида қабул қилган бошқарув қарорларни аҳамияти ва ўрни сезиларли ошади ва уларнинг бу қарорларни оқибатларига маъсулияти ҳам ошади.

Фанни урганишни асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бошқаришни асосий тушунчаларни урганиш;
- ишлаб чиқаришни таҳлил қилишни дастур
- мақсад усулларини урганиш;
- бошқариш ва муҳандислик қарорларини қабул қилиш услубларини урганиш;
- мулкчиликни турли шаклли автотранспорт ва сервис корхоналари муҳандис-техник ва бошқа хизматларида нафакат муҳандис, балки менежер сифатида ҳам самарали билим ва қуникмаларни бўлажак мутахассисларда шакллантириш;

1.2. Фанни мақсади, вазифаси ва урганиш тартиби Агарда ўтган йиллари муҳандисни мутахассилик фаолиятининг асосий мазмуни техник ва технологик масалалар бўлган бўлса, бозор, таваққаллик ва рақобатчилик, иқтисодий мустақиллик шароитида техника ва технология билан бир қаторда, мутахассисни ишлаб чиқаришни ёки, биз айтгандек. Қўп элементлардан ёки кичик тизимлардан иборат катта техник тизимларни бошқариш қобилияти муҳим бўлиб қолмоқда. ҳаттоки, автотранспорт корхоналарини цех ёки устaxonалари даражасида бу маълум таъсир қурсатувчи объектлар (автомобиллар, агрегатлар, узеллар ва ҳ.о.) ходим, хизмат қурсатиш ва таъмирлаш воситалари, зарур эҳтиёт қисмлар ва материаллар, бошқа бўлимлар ва уни раҳбарияти билан муносабатлар ва алоқалар ва бошқалар. Равшанки, тизим самарали фаолият қурсатиши мумкин, биринчидан, унинг элементлари самарали бўлса, ва иккинчидан улар маълум ва тушунарли қоидалар бўйича ўзаро ҳаракат қилсалар, яъни уларнинг иши режалаштирилади ва баҳоланади.

АҚШ, Канада, Англия, Италия, Австралия ва Япониянинг 1,5 мингдан ортиқ турли фирмаларини кузатуви шуни курсатдики, ушбу тизимлар ишини режалаштиришда ва бошқаришда 58% фирмаларда хатолар кузатилган, бизнинг устига факат 3,5% хатоларда бу фирманинг кейинги фаолиятига таъсир курсатмаган. Салбий таъсир 59,7% ҳолатда қисман, 36,8% да қучли бўлган.

Бошқаришда бешта энг жиддий хато асосан қарор қабул қилиш муаммоларини уз ичига олади ва улар муҳимлиги бўйича қуйидаги тартибда жойлашади:

1. Тизимни юқори раҳбариятини фикрига режалаштириш ва қарор қабул қилишни барча вазифаларини қуйи табақа ходимларига (иктисодчиларни, режалаштирувчилар, линия раҳбарлари ва ҳ.о) ишониб топшириш мумкин.

2. Раҳбариятни диққати жорий масалаларга қаратилган бўлиб, келажак муаммоларини эътиборга олмаслик.

1. Узок муддатли режалаштириш учун асос сифатида фойдаланилши мумкин бўла оладиган фирмаларнинг шундай вазифаларини баён қила олмаслик

2. Бошқариш ва режалаштириш учун фирмада зарур шароитлар барпо қила олмаслик.

3. Юқори раҳбариятни қабул қилган қарорларни ёки ишлаб чиқарган режаларни бўлим раҳбарлари билан муҳокама қилишга хоҳоши йўқлиги.

Техник, иктисодий ва бошқа тизимларда ишлаб чиқаришни бошқаришда ва муҳандислик ва бошқариш қарорларини қабул қилишда янги технологиялар ва воситаларни ишлатиш бўйича қуникмалар олиш ва топшириш.

Мавзу 2. Техник тизимлар ва уларни бошқариш услублари хақида тушунча.

Режа:

1. Катта тизимларни асосий хоссалари ва таснифи
2. Тизи элементлари орасидаги боғланишлар
3. Бошқариш хақида тушунча

1. Катта тизимларни асосий хоссалари ва таснифи

Тизимни замонавий тушунчаси бу маълум яхлитликни ташкил этувчи ва узаро боғлиқликда бўлган элемент ва кичик тизимлар бирлигидир.

Мураккаблиги ҳар хил бўлган тизимларга мисол: қатор қорхона ва ташкилотлардан ташкил топган ҳолдинг компанияси: қатор устакхона, хизмат бўлимлари ижрочилардан ташкил топган втотранспорт қорхонаси (АТК) ёки техник хизмат курсатиш станцияси (ТХКС); қатор агрегат ва ҳ.о. дан ташкил топган автомобил.

Тизимлар ва кичик тизимлар мисоли:

Тизимлар	кичик тизимлар (элементлар)
1. Транспорт комплекси	Автомобил транспорти Йул хужалиги Темир йул транспорти Дарё транспорти ва ҳ.о.
2. Автомобил транспорти	Коммерция эксплуатацияси Техникавий эксплуатация Бошқаришни кичик тизими
3. Автомобил	Агрегатлар Механизмлар Тизимлар Деталлар
4. АТК	Устакхоналар

	Цехлар Автосаффар Хизмат булимлари
--	--

Тизимлар булиши мумкин:

- техникавий – автомобил
- одам-машина – автомобил-хайдовчи;
- ишлаб чиқариш иктисодий – АТК, фирма;
- ижтимоий (ходим, аолини хар хил гурухлари) ва бошқалар.

Тизим элементи - бу ушбу тизим вазифаси чегарасида бошқа булинишга йул қуйилмайдиган ва маълум функцияни бажарадиган объектдир.

Хар бир элемент – кириш X_i , яъни унга бошқа зим элементларини ёки атроф мухитни таъсири, чиқиш Y_i яъни ушбу элементни атроф мухитга ёки тизимни бошқа элементларга таъсирини узгартириш ва q_k элементни мавжуд ҳолатларини курсаткичлари билан характерланади: Одатда X_i, E_i, q_k , - мос курсаткичларнинг жадаллигидир.

Кириш:	Ҳолат	Чиқиш
Ахборот, Материаллар, Талаблар, Иш режаси, ва х.к.	Ишлаб чиқариш жараёни	Маҳсулот, хизмат, иш режимини узгартириш ва х.к.
	Агрегатларни иш режасини узгартириш ва х.к.	

Маъруза 3. Бошқариш ҳақида тушунча. Унинг мазмуни ва вазифалари, ташкил қилиш услублари ва талаблари - 2 соат.

Режа:

1. Бошқариш ҳақида тушунча, мазмуни ва вазифалари.
2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш услублари.

1. Бошқариш ҳақида тушунча, мазмуни ва вазифалари.

Техник эксплуатациянинг асосий вазифаларидан бири автомобил паркинни техник ҳолатини ва ишлаш қобилияти бошқаришни энг самарали йуллари ва усулларини топишдан иборатдир.

Бошқаришни мазмуни ва усуллари техник ходимини бошқариш жараёнидаги урнига қараб узгара боради. Масалан: ишчилар, муҳандис, техниклар, устахоналар, корхоналарни бошқариш.

Бошқаришни асосий босқичларига қуйидагилар қиради:

- тизимни мақсадини аниқлаш;
- тизим ҳолатини ҳақида маълумот олиш;
- маълумотни ишлаш ва таҳлил қилиш;
- бошқариш қарорини қабул қилиш;
- қарорни ижроцига етказиш;

- бошқариш қарорини амалга ошириш ва тизимни қарорга булган муносабатини олиш.

Техник эксплуатация олдида турган мақсад ундан юқоюда турган тизим мақсади билан узвий боғланган бўлиши керак, кейингисини мақсади эса халқ хужалигини мақсадига мос келиши керак.

Техник тайёргарлик коэффициентини (КТК) ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқарилётган тизимни ҳолати ҳақида маълумотлар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- автомобилларнинг эксплуатацион ишончилиги;
- кенг учрайдиган ва автомобилларни ишдан қолдирадиган носозликлар ҳақида маълумотлар;

бу ҳолатда ташқи омилларга автомобилларни ишлатиш шароитлари, материал-техника таъминоти ва ҳ.к. қиради.

Маълумот таҳлил қилинаётган ва ишланаётган уларнинг аниқлиги, ҳақиқийлиги, тулиқлиги ва қиймати баҳоланади.

Бошқариш қарорини қабул қилиш деб тизим ҳолатини сезиларли узгартирадиган ривожланишни бир неча йўлларида бирини критерийсини танлашга айтилади.

қарорни ижроқига етказишда унинг аниқлиги, бир хил маънолиги муҳим аҳамиятга эга.

Бошқариш қарорини амалга ошириш – бу масалан, автомобил паркинни янгилаш, ишлаб чиқариш базасини қайта қуриш, автомобилларни таъмирлаш, таъмирлаш ишчиларини рағбатлантиришни янги усул ва шакллари тадбир этиш.

Бошқариш таъсирига тизимни реакцияси – янги маълумот (қайта алоқа). Бу маълумот қайтадан ишланиб, таҳлил қилинади ва шунинг асосида янги қарор қабул қилинади.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш услублари.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқаришни уч хил услуби ҳозирги кунда кенг қўлланилмоқда: махсуслаштирилган бригадалар, комплекс бригадалар, агрегат-устахоналар.

Махсуслаштирилган бригадалар усулида техник хизматининг (ТХ) ҳар бир тури (КХ, ТХ-1, ТХ-2, диагностика, жорий таъмирлаш, агрегатларни таъмирлаш) бўйича алоҳида бригадалар тузилади (3.1-расм).

АТК техника хизматини ишлаб чиқариш бўлими					
КХ бригадаси	Диагностика Минтақаси	ТХ-1 бригадаси	ТХ-2 бригадаси	ЖТ бригадаси	Агрегатлар таъмирлаш устахонаси

3.1.-расм. АТК да техник хизматини махсуслашган бригада усулида ташкил қилиш таркиби.

Ҳар бир бригада бажариладиган иш ҳажмига қараб маълум ишчилар сони ва маош фонди режалаштирилади. Бригадаларни махсуслаштириш ишчиларни меҳнат унвондорлигини ошириш, янги технология ва механизацияни қўллаш, ишчиларда бир хилда бажариладиган ишларга қўникма ҳосил қилиш имконини беради. Ишларни бу усулда ташкил этишда ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришга, технологик жиҳозлардан, эҳтиёт қисмлардан, асбоб усқуналардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ушбу усулнинг асосий қамчиликларидан бири ишчиларнинг бажарган ишларига шахсий жавобгарликни етарли эмаслигидир. Автомобилнинг мурқаб тизимларидан бири ишдан чиқса унинг сабабини, асосий айбдорни аниқлаш мушкул бўлади, чунки бу агрегатни ҳар хил бўлим (устахоналари) ишчилар таъмирлайди ва унга техник хизмат қўрсади.

Комплекс бригадалар усулида бригадалар маълум гуруҳ автомобилларига (колонналар, дизел ёки корбюратор двигатели автомобилларга, тиркама, ярим тиркама) ТХ-1, ТХ-2 ва ЖТ ишларини бажаради (3.2-расм).

АТК техника хизматини ишлаб чиқариш бўлими				
КХ устaxonаси	Диагностика устaxonаси	ТХ-1, ТХ-2, ЖТ1- комплекс бригадаси	ТХ-1, ТХ-2, ЖТ1- комплекс бригадаси	Агрегатларни таъмирлаш устaxonаси

3.2. расм. АТК да техника хизматини комплекс бригадалар усулида ташкил қилиш таркиби.

КХ, диагностика, агрегатларни таъмирлаш ишлари марказлашган ҳолда бажарилади. Комплекс бригадалар ҳар хил соҳа мутахассис ишчилардан (авточилангар, чилангар-созловчи, электрик, мойловчи) ташкил топади ва бригадага бириктириган ишларни бажаради.

Ишлаб чиқаришни комплекс бригадалар усулида ташкил этилганда иш сифатига шахсий маъсулият бригада чегарасида сакланиб қолади, яъни махсуслашган бригада усулига хос камчиликлар бу усулда ҳам сакланиб қолади. Бундан ташқари ҳар бир бригада узининг ТХ ва Т ишларини бажариш учун ишчи постларга, универсал технологик жихозлар ва асбоб-ускуналарга, эҳтиёт қисмлар ва айланма агрегатлар захирасига эга бўлиши керак.

Бу усулда жихозлар, материал ресурслар бригадалар бўйича тарқалиб кетиб улардан самарали фойдаланиш имконини бермайди, ТХ ва Т ишларини бошқаришни мураккаблаштиради. Бригадалар бўйича ишлар бир хил ҳажмда бўлмаслиги мумкин, яъни бир бригада иш билан меъёридан ортиқ банд бўлса, шу вақтда иккинчи бригада иш билан кам таъминланган бўлиши мумкин. Шу билан бир каторда бу усулинг афзалликларидан бири ТХ ва Т ишларини сифати маъсулияти бригада бўйича шаклланади.

Агрегат устaxonалар усулини асосий моҳияти шундаки АТК ҳаракат воситаларига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш ишлари ишлаб чиқариш устaxonалари орасида тақсимланади ва ҳар бир устaxона бир ёки бир неча агрегатларни тулик ТХК ва Т ишларини бажаришга маъсулияти белгиланади.

Ушбу усулида устaxонага бириктирилган агрегат ва узелларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат курсатиш ишларини сифатига моддий ва маънавий жавобгарлик қонкретлашади. Устaxона ишларини натижалари автомобилларни техник носозликлар бўйича таъмирлашда туриш муддатига қараб баҳоланади.

Устaxonалари орасида ишлар ишлаб чиқариш дастуригна ва ҳаракат воситаларидан фойдаланиш жадаллигига қараб тақсимланади.

Қатта ва урта ҳажмли АТК ларда устaxonалар сони 4 дан 8 тагача бўлади.

Устaxonаларга бириктирилган ишлар ҳам ишчи постларда, ҳам устaxonаларда бажарилади.

Агрегат устaxonалар усули юқорида қурилган усуллардан сузсиз афзалликларга эга бўлишига қарамай камчиликларга ҳам эга. Бу камчиликларни асосийларидан бири бу- ишлаб чиқаришни номарказлаштиришдир., бу эса ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришни қийинлаштиради. Автомобил бўйича таъмирлаш ишларини кетиши ҳақида маълумотларни йўқлиги ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш имконини бермайди. Постларда автомобиллардан навбат кутиб қолишлари мумкин, у эса айрим устaxonалар орасида ихтилофларни келиб чиқишга олиб келиши мумкин.

ТХ ва Т га келган автомобилларни устaxonалар орасида тақсимлаш таъмирлаш ишларини тугатилиш вақтини режалаштириш имконини бермайди. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида АТК ларда ТХК ва Т ишларини бошқаришни марказлашган тизими тадбиқ этилади.

АТК техника хизматини ишлаб чиқариш бўлими

№1	№2	№3	№4	№5	№6	№7	№8
Рул бошқаруви, олди куприк, тормоз тизимига ТХК ва Т	Двигателга ТХК ва Т	Илашиш муфтаси, узатиш кутиси, редукатор, кардан узатмаси ТХ ва Т	Таъминот тизими, электр жихозлари, аккумуляторга ТХК ва Т	Кузов рама, кабина, ТХК ва Т пайванд, темирчилик, бўёкчилик ишлари	Шина ва гилдиракларга ТХК ва Т	Чилангар-механик ишлари	Супериш ювиш ишлари

3.3-расм. АТК да техника хизматини агрегат-устахоналар усулида ташкил қилиш таркиби.

Техника хизматининг асосий вазифалари.

Автомобил таранспортида техника хизматининг ҳар хил мавқеалардаги (давлат, регион, ҳужалик, тармок) асосий вазифалари умумий ҳолда қуйидагилардан иборат.

1. Тармок, бирлашма ва корхонларнинг АТ ҳаракатдаги таркибига техник эксплуатацияси бўйича техник сиёсатини аниқлаш.

Техник сиёсат корхонанинг уз-узини таъминлаш ва ҳужалик ҳисобини кузда тутудиган ҳужалик механизми орқали амалга оширилади. Бунда тармок дастури, прогрессив меъёрий, лойиҳалаш ва технологик ҳужжатларни ҳам назарда тутилади.

2. Техник сиёсатни амалга ошириш учун меъёрий – технологик ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва бажарувчиларга етказиш.
3. АТ ҳаракатдаги таркиблари ТХК таъмириш ва саклашни режалаш, ташкил қилиш ва бошқариш.
4. ИЧ техник базасини такомиллаштириш ва рационаллаш, уни қайта қуриш ва техник қайта жихозлаш тадбирларини ишлаб чиқиш, ТХ ва ЖТ ни теханизациялаш ва роботлаштириш.
5. Материал техник таъминот ва эксплуатацион материаллар ва технологик жихозларни саклашни ташкил қилиш
6. Барча турдаги ресурсларни тежаш, 1-уринда меҳнат ва ёнилғи энергетик, шунингдек капитал сарфлар. Материалларни йиғиш қайта ишлаш ва регенерациялаш
7. АТ ҳаракатдаги таркибининг, ИЧ техник базасини, технологик жихозларнинг ва ИЧ захираларининг техник ҳолатларини таҳлил қилиш.
8. Ҳаракатдаги таркибга, технологик ва бошқа жихозларга, иЧ техник база элементларига техник хизмат курсатиш (ТХК) ва таъмирлашнинг (Т) ички ҳужалик ҳисобини ташкил қилиш.
9. Автомобиллар ва технологик жихозларни олиб қилишни ва руйхатдан учирилшининг режасини тузиш. Автомобил нархининг ёши бўйича таркибини бошқариш. Эксплуатация шароитини ҳисобга олган ҳолда уларнинг техник ҳолатларини баҳолаш билан уларни ишлатиш тугрисида таклифлар ишлаб чиқиш
10. ТХ ни ходимлар билан таъминлаш, уларнинг маданий ва маиший, ишлаш шароитини яхшилаш, ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш меъёрларини такомиллаштириш.
11. Корхонани янги тип ва конструкциядаги автомобилларни қабул қилиш ва эксплуатация қилишга тайёрлаш, шунингдек янги эксплуатацион материаллар, жихозлар ва компьютерлар.

12. Техник эксплуатациянинг илгор ютуқларини (опут) умумлаштириш тарқатиш ва жорий қилиш.
13. Ташиш хизмати билан ички хужалик ҳисобни ташкил қилиш. Ташиш хизматига автомобилларни линияда техник тугри эксплуатация қилишни назорат қилиш ва уларга талаблар қуйиш.

Автомобиллар теъхник ҳолатига ҳайдовчлар маҳоратини таъсирини урганиш, уларнинг малака оширишларини ташкил қилиш.

14. Ҳаракатдаги таркибни такомиллаштириш, эксплуатацион материалларнинг сифати, йул қурулиши масштабларининг сифати ва уни эксплуатация қилиш бўйича кераки чиқариш тармоқларига талаблар қуйиш. Эксплуатацион материаллар ва захира қисмлар сифатини назорат қилишини ташкил қилиш.
15. Дефeцит деталлар, материаллар ва жиҳозларни қайта тиклаш ва қисман ишлаб чиқариш
16. Ишлаб чиқаришда (ИЧ) (заводларда) ишланмаган баъзи бир махсус ҳаракат воситаларини такомиллаштириш ва қайта жиҳозлаш

Юқорида айтилгандек, ТХ нинг асосий вазифалариндан бири ҳаракатдаги қушилмаларнинг техник ҳолатини ишга лаёқатли қилиб туришдир.

Таъмирловчи ва ёрдамчи ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш, ТХ ва Т мавқеини қутариш, АТ самарадорлигини ошириш умумий муаммосининг асосий қисмидир.

ТХ ва Т ишлари самарасининг қониктирмаслигини таҳлил қилиш асосида унинг қелиб қиқиш сабабларини 2 қисмга ажратиш мумкин.

Булар объектив ва ташкилий сабаблар.

Объектив сабаблар

		қисман қийматлари (%)
1	Эҳтиёт қисмларнинг йуқлиги	4
2	Ишлаш шароити	10
3	Парк ёши	18
4	Ишлаб чиқариш базасининг суствлиги	15
5	Бошқа (ишчи етмаслиги, АТЗда таъмирлаш сифатинингш пастлиги)	18
	Ҳаммаси	65

Ташкилий сабаблар

		қисман қийматлари (%)
1	Меҳнат интиомининг пастлиги	11
2	Ишни буш ташкил қилиш	18
3	Ташкилий ва бошқа сабабларга қура ишламаслик	6
	Ҳами	35

«Ишлаб чиқаришни бошқариш» тушунчасининг таърифи


Автомобиллар «Техник эксплуатацияси» кичик тизимининг асосий вазифаларидан бири автомобил паркиннинг ишлаш қобилиятини ва техник ҳолатини янада самарали бошқариш усул ва йулларини аниқлашдан иборатдир, шунинг учун мутахассиснинг муҳим вазифаларидан бири бошқариш.

Мутахассиснинг муҳандислик-техник хизмати погоналаридаги урнига қараб, бошқаришнинг мазмуни ва услублари ҳам узғариб боради: тармок ёки корхоналар гуруҳига; корхона, цех ёки устахонага; техниклар, муҳандислар, ишчиларга бевосита раҳбарлик қилиш. Бироқ бошқариш мазмунида, унинг технологиясида, тизимларни бошқаришнинг ҳамма даражаларида жуда қўп умумий қирралар мавжуд.

Бошқариш, тизим (автомобил, цех, корхона ёки тармок) ҳолати ҳақидаги ахборот асосида аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар қилиб тизимни дастлабки ҳолатдан белгиланган ҳолатга утказадиган жараёни ифода қилади.

Бошқариш ҳар қандай тавсифли масалалар ёки ҳар қандай тизимлар учун турли комбинацияларда қўлланиладиган маълум кетма-кетликдаги ҳаракат ёки технологияни ўз ичига олади. (расм 3.1)

1. Тизим ёки кичик тизим(соҳа, АТК, цех, устахона, бригада)ни бошқариш олдида турган мақсадни аниқлаш.



Расм 3.1 Бошқаришнинг асосий босқичлари

1-юқори мавқедаги раҳбар қатнашиши шарт; 2-босқичда маъсул шахс қатнашиши ва раҳбар назорати талаб этилади.

Қабул қилинган қарорни оқибати бўлган, маълум ҳаракатлар эвазига эришилган тизимни қелғусида эгаллаш мумкин бўлган ҳолати унинг мақсадидир.

Таънаётган воситалар қўп ҳолларда мақсад ва масалаларни тўғри аниқлаш билан боғлиқ, шу билан бирга кичик тизимнинг мақсади юқорироқ даражали тизим мақсади билан боғланган бўлиши керак. Масалан, «Техник эксплуатация» кичик тизими олдида турган мақсадлар, юқорироқ даражали тизим мақсадларига, яъни автомобил транспорти тизими мақсадларига, кейингилари эса халқ хўжалигининг мақсадларига мос қилини керак (9-бобга қара).

АТК даги ҳар бир устахона ёки цехининг вазифаси шундай аниқланиши керакки, токи сони ва номенклатураси бўйича белгиланган (ташкил жараён учун зарур бўлган) автомобилларнинг техник созлиги таъминлансин. Демак, мақсадни қўйиш ва уни амалга ошириш дастур-мақсадли ёндошиши доирасида қўрилиши керак.

2. Тизимга таъсир этувчи, тизим ҳолати ҳақидаги ва ташкил омиллар ҳақидаги ахборотларни олиш: тадбирлар ишлаб чиқишида, масалан, техник тайёрлик

коэффициентини оширишда (ташиш жараёнини таъминлаш учун, автомобилларнинг эксплуатация ишончилиги, иш вақтида бекор туриб қолишига олиб келадиган энг кўп учрайдиган бузилишлар ва сабаблар ҳақидаги ва шунга ухшаш маълумотлар хизмат қилади. Бу ҳолда мижозлардан тушган талаблар, эксплуатация шароитлари, моддий-техника таъминотини ташкил этиш ва бошқалар ташқи омилларга қаради.

3. Ахборотни қайта ишлаш, унинг аниқлигини, тулиқлигини, ишончилигини баҳолаш.

4. Ахборотни таҳлил қилиш, зарур бўлганда керакли ахборотни туплаш, уни экспертиза қилиш.

5. Тизим мақсади, олинган ва ишланган ахборотга мувофиқ бошқариш қарорларини қабул қилиш.

Бошқариш қарорини қабул қилиш деб-тизим ҳолатини жиддий ўзгартирадиган, ривожланишининг бир неча йўлларида бирини, белгиланган мезонлар асосида танлаш тушунилади.

Масалан, ТХК ва Т меъёрлари ва тизимини такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш техника базасини яхшилаш ва бошқа тадбирлар натижасида паркиннг ишлаш қобилиятини ўзгартириш мумкин.

6. қарорга, ижрочини шахсий маъсулятини ва босқичма-босқич сифатли ва миқдорий назоратни таъминлайдиган, аниқ, мақбул меъёрий шакл бериш.

7. қарорни ижрочиларга етказиш.

Бу босқичда, қабул қилинаётган қарорнинг моҳиятини тушунишни таъминлайдиган ва унинг (мазмунини, бажариш муддатларини ва бошқаларни) икки хил изоҳланишини истисно қиладиган узатиш шакли муҳим бўлади.

8. Бошқариш қарорларини, масалан, ишлаб чиқариш базасини қуриш ёки қайта қуриш; янги хизмат турларини ўзлаштириш; таъмирлаш ишчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришининг янги тизимини тадбиқ этиш; автомобилни таъмирлашга ёки рўйхатдан ўчиришга юбориш ва ҳ.к.

9. Бошқарувчи ҳаракатларга жавобан тизим берадиган янги ахборотни олиш тизим белгиланган мақсадларга, тайинланган вақтда тулиқ эришса бошқариш оптимал бўлади.

Агар тизим ҳолати ёмонлашса, демак бошқариш номақбул бўлади. Агар тизим ҳолати яхшиланса, аммо мақсадга тулиқ эришилмаса ҳам бошқариш мақбул ҳисобланаверади ва 10-чи босқич бошланади (14-расмга қара); мақсадларга эришишга олиб келмаган сабаблар таҳлил қилинади, зарур бўлса, мақсадлар ва уларга эришиш усуллари тўғриланади.

Бу мақсадларга эришишнинг энг тавсифли, кўп қадамли ва босқичма-босқич вариантларидир. Агарда итератив ёндошиш амалга оширилса, у ҳолда тизим ўқитилувчи (урғатилувчи) бўлади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари.

Ҳаракатдаги таркибга ТХК ва таъмирлашни ташкил этишнинг ўрта усули ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган: ихтисослашган бригадалар, комплекс бригадалар ва агрегат-устахоналар.

Ихтисослашган бригада усули техник таъсир турларининг технологик ихтисослашиши белгиларига қўра ишлаб чиқариш бўлимларини шакллантиришни қўзда тутди (16.2 а-расм.) Бригадалар ташкил этилади, иш ҳажмига қараб уларнинг ҳар бирига маълум сонли, зарур мутахассис ишчилар бириктирилади. Таъсир (КХК, ТХК-1, ТХК-2, диагностикалаш, ЖТ, агрегатларни таъмирлаш) турлари бўйича бригадаларни ихтисослаштириш илгор технологик жараёнларни ва механизацияни қўллаш ҳисобига ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга, ижрочилар чекланган технологик операцияларни бажаришда қўнқма олишига ва ихтисослашишига имкон беради. Ишларни бундай ташкил этишда ҳар бир устахонанинг (минтаканинг) технологик ўхшашлиги таъминланади, асбоб ва технологик жиҳоз, эҳтиёт қисм, одамлар билан маневр қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришни самарали тезкор бошқаришга шарт-шароит яратилади, техник таъсирларнинг у ёки бу турларини бажариш ўстидан назорат ва ҳисоб соддалашади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ушбу усулининг муҳим камчилиги ижрочиларда шахсий маъсулиятининг етарли булмаслигидир. Муддатидан илгари бузилиш ҳолатида ҳамма сабабларни таҳлил этиш, ишончлилик пасайишининг муайян айбдорларини аниклаш мураккабдир, чунки агрегатга турли булимларнинг ишчилари хизмат курсатганлар. Бу автомобилларни таъмирлашда туриб қолишига, бузилишлар сонини ошишига олиб келади. ТХК ва ЖТ сифатини бошқариш махсус тизимларини қўллашда ва ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда бошқаришда ушбу усулнинг самараси ошади.

Комплекс бригадалар усули ишлаб чиқариш булимларини предметли ихтисослаштириш белгилари бўйича шакллантиришни, яъни ТХ-1, ТХ-2 ва ЖТни утказадиган бригада бўйича маълум гуруҳ автомобилларини (масалан, битта автосаф автомобиллари) бириктиришни кузда тутади (16.2, б-расм). Агрегатларни таъмирлаш, диагностика қилиш ва КХК, қоида тарикасида, марказлашган ҳолда бажарилади. Бригадага бириктирилган ишларни бажариш учун комплекс бригадалар турли малакали (авточилангарлар, соловчи-чилангарлар, электриклар, мойчилар) ижрочилар билан тулдирлади.

Ҳар бир бригада, қоида тарикасида, узига бириктирилган ишчи жойларига, ТХК ва таъмирлаш постларига, асосан, узининг технологик жихози ва асбобларига, эҳтиёт қисмлар ва айланма агрегатлар захирасига эга, яъни автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш ишларини ташкил қилишни мураккаблаштирадиган АТК материал воситаларининг самарасиз тарқалиб кетиши ва дастурнинг қисқариши содир бўлапти (4- ва 6-бобларга қarang).

Бу усулда бошқаришнинг мураккаблиги турли комплекс бригадалар бўйича айрим ижрочиларнинг бандлигини тартибга солиш ва ишлаб чиқариш қувватлари ва материал ресурслар билан маневр қилиш қийинлиги билан тушунтирилади. Шундай вазиятлар вужудга келадик, унда комплекс бригадалардан бирининг ишчилари иш билан қумиб ташланганда, бошқаси - иш билан тулик таъминланмаган бўлади, аммо бригадалар бундай шароитда узаро ёрдам курсатишга манфаатдор бўлмайдилар.

Бирок, ушбу усулнинг муҳим афзаллиги ТХК ва ЖТ бўйича бажариладиган ишлар сифатига бригада доирасида маъсулият бўлади.

Агрегат устахоналар усулининг моҳияти шундан иборатки, АТКнинг ҳаракатдаги таркибига ТХК ва таъмирлаш бўйича ҳамма ишлар бир ёки бир нечта агрегатларга (узеллар, механизмлар ва тизимлар) ТХК ва ЖТни ҳамма ишларини бажаришга маъсул бўлган ишлаб чиқариш булимлари орасида тақсимланади. (16.2 в-расм) Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ушбу шаклида устахонага бириктирилган агрегатлар, узеллар ва тизимларга ТХК ва таъмирлаш учун маъсулият шахсий бўлади.

Ишлаб чиқариш устахоналарининг ишлари натижалари устахонага бириктирилган агрегатлар ва тизимларини техник носозлиги сабабли автомобилларнинг туриб қолиши бўйича ва тегишли агрегатларни ЖТга тугри келадиган уртача ишлаш давомийлиги бўйича баҳоланади (9-бобга қarang).

Ҳаракатдаги таркибдан фойдаланиш жадаллиги ва АТКнинг улчамларига боғлиқ равишда, ишлаб чиқариш дастурини ҳисобга олиб ишлар устахоналар орасида тақсимланади. Автомобиллардан интенсив фойдаланадиган катта ва урта АТКларда ТХК ва ЖТ ишларини бажарадиган устахоналар сони туртдан то саккизгача қабул қилинади (16.2, в-расм). Асосий ишлаб чиқариш устахоналарига бириктирилган ишлар, бригада таркибига қирадиган ижрочилар томонидан ТХК ва ЖТ постларида, ҳамда тегишли цех ва устахоналарда бажарилади.

Бирок агрегат-устахоналар усули камчиликларидан холи эмас, улардан асосийси-транспорт жараёнининг субъекти сифатида автомобил иш қобилиятини тезкор бошқаришни қийинлаштирадиган ишлаб чиқаришни тарқоклигидир.

Назорат саволлари:

1. Бошқаришни асосий босқичлари қандай?
2. Ишлаб чиқаришни ташкил ва бошқаришни қандай усуллари мавжуд?
3. Техника хизмати асосий вазифалари нималардан иборат?

Таянч иборалар.

1. Бошқаришнинг асосий тушунчалари
2. АТКда техника хизмати асосий вазифалари
3. Бошқариш қарорини қабул қилиш
4. қарорни ижро қилишга етказиш
5. Бошқариш қарорини амалга ошириш
6. Махсуслашган бригадалар усули
7. Комплекс бригадалар усули
8. Агрегат бригадалар усули
9. Тизим ҳақида тушунча
10. Техник тизимларни бошқариш
11. Тизимнинг мақсади

Адабиётлар: [1-460-466, 6-86-90, 4-36, 9-9-21]

Маъруза 4. Бошқариш таркиби ҳақида тушунча. Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган шароитдаги тизими.

2 соат

Режа:

1. АТК да ишлаб чиқаришни бошқариш асосий низомлари
2. Бошқаришни таркиби ва вазифалари
3. АТК да техник хизматининг таркиблари ва вазифалари
4. Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган шароитдаги тизими

Бошқаришни асосий тушунчалари.

Ишлаб чиқаришни бошқариш деганда – ишлаб чиқаришдаги ишларни яхшилашга ва қўллаб - қувватлашга қаратилган курсатма ва ҳаракатлар мажмуаси тушунилади.

Бошқарма – ишлаб чиқариш базасида самарали фойдаланишни ходимлардан, эҳтиёт қисмлардан ва материаллардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Бошқаришни ташкил қилиш – яққо ҳокимликни, раҳбарлар билан қўл остидаги ходимлар орасидаги вазифаларни аниқ белгилашга асосланади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш сифати асосан муҳандис-техник ходимларни малакасига боғлиқ. Муҳандисни ҳал қиладиган масалаларидан бири – бу қўл остидаги ходимлар ишини бошқаришдан иборатдир.

қарор қабул қилишнинг асосий вазифалари:

1. Маълумотларни тўғри танлаш ва уни ишлаб чиқиш

Бошқариш уч босқичдан ташкилл топади:

Биринчиси- керакли маълумотларни олиш ва шу асосида бошқариш объектини баҳолаш;

Иккинчиси- қарор қабул қилиш;

Учинчиси - қабул қилинган қарорни ходимлар томонидан бажарилишини таъминлаш

Муҳандис-техник ходимларни бажарадиган вазифалари тахлили шуни курсатади:

- ташкилий-бошқариш вазифалари – 31,8%
- технологик вазифалар – 35,6%

Шу билан бирга муҳандислар бажарадиган қўлгина ишлар қайтарилиб туради. Шу сабабли буларни ечими тугрисида маълумотлар тупланиб қўйилиши керак ва ундан кенг фойдаланиш зарур.

Бошқаришни дастур-мақсад усуллари.

1. Бошқарилаётган бўлимлар олдида турган мақсадни аниқлаш. Бу мақсадлар юқори турган бўлим мақсадлари билан боғланган бўлиши керак.
 2. Системани ҳолати ва унга таъсир қўлатувчи таъсир омиллар тугрисида маълумотларни олиш. Маълумотлар ҳайдовчидан, колонна механигидан, назорат пунктини навбатчи механигидан ва бошқалардан олинади.
 3. Маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, уларни тулиқлигини, аниқлигини баҳолаш
 4. қарор қабул қилиш. қарор қабул қилиш деганда бир қанча маълумотлардан тугри ва аниқлигини танлаш.
- Масалан: камера тешилганда қарор қўйидагича бўлиши мумкин;
- камерани гилдиракдан ечиб, вулканизацияга жўнатиб, қайта олиб гилдиракни урнатиш.
 - Камерани ечиб олиб урнига янгисини ёки илгаритдан ямалган камера билан алмаштириш
5. қарорни амалга ошириш
 - автомобилларни ТХ ва Т га жўбориш, хўжалик ҳисобига утиш, ишлаб чиқариш базасини қайта тиклаш ва ҳ.к.
 6. қарорни бажарилшига бўлган муносабат маълумот олиш. қайта олинган маълумот қўриб чиқилиб таҳлил қилинади ва шўнинг асосида янги қарор қабул қилинади ёки тўзатиш киритилади.

Бошқаришни икки усули бор – реактив ва дастурли-мақсад.


Реактив усулда – режалаштириш уша захоти амалга оширилади, қарорлар ҳар томонлама таҳлил қилинмасдан қабул қилинади, қўпинча шароитга қараб қарорлар ўзгартирилиб туради, яқин келжакни ҳисобга олмайди, самаасиздир.

Дастур-мақсадли бошқариш – аниқ мақсад сари қарор қабул қилингади. Бунда қўйидагича режалаштириш ва бошқариш қўзда тўтилади:

Мақсад – дастур – ресурс -режа (қарор) – режани амалга ошириш янги ёки тўзатилган мақсад.

Мақсадни амалга ошириш ҳар хил йўллар, усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Шўнинг учун мақсаднинг амалга ошириш тармоқларини қўрилади. Бу тармоқлар ички ва таъсир алоқада бир-бирлари билан бўлиши мумкин.



Олий мақсад даражаси биринчи даражали мақсад билан боғланган.

Олий мақсад- халқ хужалигини юк ва пассажирлар ташиш талабини кондиритиш. Кейинги даражадаги мақсад – ҳаракат воситаларини мустаҳкамлигини ошириш.

2-ярус – меҳнат унумдорлигини ошириш.

3-ярус – автомобилларни техник иқтисодий курсаткичларини ошириш.

АТЭ самарадорлигини курсаткичлари

АТЭ самарадорлигини 6 та курсаткичлар билан аниқланади:

1. Автомобил паркинни ишчанлигини тиклайдиган ва таъминлайдиган ТХ ва Т ни ташкил қилиш силсиласи
2. ТХ ва Т сисиласини тавсиясини бажарилшини материал шароитини таъминлайдиган ишлаб чиқариш базаси
3. Ресурсларни тежашни ва ТХ ва Т ни сифатли бажарилшига манфаатдор бўлган ходимлар ва уларни малакаси.
4. АТЭ ни эҳтиёт қисмлар, материаллар. Агрегатлар ва автомобиллар билан таъминлайдиган таъминот силсиласи
5. ТХ ва Т ишларини турларини ва ҳажмини белгилайдиган автомобил ёши ва таркиби
6. Мустаҳкамликка таъсир қилувчи автомобилларни ишлатиш шароити, ТХ ва ЖТ га бўлган талабни белгилаб беради.

Ҳар бир курсаткичлар майда-кичик курсаткичлардан ташкил топади. Шу билан бирга ҳар бир курсаткичлар автомобил паркинни техник тайёргарлигига ҳар хил таъсир қилади:

1. ТХ ва Т силсиласи -19%
2. Ишлаб чиқариш техника базаси -18%
3. Ходимлар -116%
4. Таъминот сисиласи -9%
5. Ҳаракат воситалари -25%

6. Ишлатиш шароити -13%

100

АТЭ муҳим мақсадлари қуйидагилар:

1. Автомобил паркинги ишчанлиги даражасини кутариш
2. Ходимларни меҳнат унмдорлигини ошириш
3. ТХ ва Т ҳаракатларини қисқартириш
4. Автомобил транспорти воситалари аҳолига, ходимларга ва атроф-муҳитга таъсирини белгиланганида таъминлаш.

АТЭ бошқаришни ахборотлар билан таъминлаш

Ахборот – бошқаришнинг муҳим элементларидан биридир.

Ахборотлар турлари берилиши бўйича – оғзаки, ёзма, перфокартда, лентада, дискларда;

Характери ва вазифаси бўйича – ҳисобот, режали (плановуй), кундалик, келажакка;

- Муддати бўйича – доимий, узок
- муддатга, вақтинчалик

Ахборотлар ҳар хил усуллар билан олинади:

- автомобил парки ҳолати тугрисида умумий тахминий маълумот;
- конкрет автомобил ҳолати тугрисида шахсий маълумот.

Ахборотни олиш жойи;

- ҳисоботлар;
- махсус кузатувчилар натижаси;
- махсус адабиётлар;
- билдиргич (справочник);
- илмий ҳисоботлар;

Транспортда ахборотни қуйидаги асосий турлари бор:

- режавий – иқтисодий, келажакка, бир маротаба, тезкор юк ташиш, ТХ, Т капитал таъминлаш ва ҳ.к.
- техникавий-эксплуатация, ҳаракат жадвали, ТХ ва Т жадвали, теъхнологик карталар, йуриқномалар (инструкция)
- норматив-услубий лойиҳалаш бўйича техник курсатмалар, техникавий эксплуатация қоидалари
- қоида, устав,ю кодекслар, тарифлар, сарф нормалари.
- Илмий-техникавий ахборотлар мажмуаси, экспресс-ахборот ва ҳ.к.


АТБ да ТМХ ни бош муҳандис бошқаради.

Бош муҳандис қошида техник кенгаш ташкил қилини, унга филиал раҳбарлари ва АТБ бўлим раҳбарлари қиради.

Техник кенгаш режаларни, ТМХ ишлари бўйича ҳисоботни қуриб чиқади. Кенгаш масалалар бўйича тавсия беради, бош муҳандис қарор қабул қилади.

1.2.2 Бошқариш таркиби ҳақида тушунча. Таркибларнинг вазифалари.

АТК ларда техника хизматини бошқариш таркибини ўқта функционал блоклар шакли қурилишида келтириш мумкин (4.1-расм)



Расм 4.1. АТК техника хизматини бошқариш тизимини ташқлий функционал таркиби.

Ташкил этиш блокнинг мақсади унинг комплекси функцияларни бажаришидан келиб чикиб, техника хизматини курсаткичларини (куват, ишлаб чиқаришни махсуслашганлиги, кооперация хажми, ресурсларга эҳтиёжи ва ҳ.о.) ҳаракат воситаларини техник тайёрлигини ташкилий технологик тадбирлар утқиш ҳисобига аниқлашдан иборатдир.

Ривожлантириш блокни мақсади:

Ташиш шароитини узгартириш ва ривожлантириш режасига асосан техника хизматини келажакдаги параметрларини аниқлаш; параметрларни истикболли қийматларга эришишига қаратилган комплекс тадбирлар ишлаб чиқариш ва бажарилшини таъминлаш.

Тезкор бошқариш блокнинг мақсади ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бўлимларни биргаликда фаолият курсатишни таъмиладан иборатдир. 1-расмда келтирилган бошқариш функциясининг маҳмуни ва демак уларни ижрочиларини таркиби ҳар бир конкрет корхонада ва бирлашмада қатор омилларга боғлиқдир. Авваламбор функцияларни мосламалари ва корхона бу масалаларни мустақил бажара олишидан иборатдир, яъни автобирлашма, транспорт бирлашмаси ёки концернни техника хизматини бошқариш функциясини марказлаштирилганига боғлиқдир.

АТҚни қатталиги функцияни иш ҳажмини белгилайди. Бу иш ҳажмига қараб алоҳида ижрочини ажратишга ёки бир неча функцияларни 1 та ижрочи томонидан бажаришни бирлаштиришни белгилайди.

Бошқариш функцияларни ижрочилар бўйича тақсимланиш бирлашма, корхона томонидан ишлаб чиқилган ва тақдирланган ташкилий-функционал таркиб билан белгиланади.

Техника хизмати қуйидаги таркиблардан иборатдир:

- бош механик бўлими;
- техник назорат бўлими;
- техник бўлим.

Бош механик бўлими

Автотранспорт бирлашмаларида бош механик хизмати ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бино ва иншоотларни, энергочулланган, санитар техник ва технологик жихозларни техник соҳада ушлаб туриш билан боғлиқ функцияларни бажаради.

Бош механик хизматига қуйидагилар юкланади:

- 2.2. ишлаб чиқариш техника базаси элементларини техник ҳолатини назорат этиш;
- 2.3. ишлаб чиқариш техника базасини элементларини ҳолатини ва мавжудлигини ҳисобга олиш;
- 2.4. элементларга хизмат курсатиш ва таъмирлаш;
- 2.5. янги техникани тадбир этиш;
- 2.6. ностандарт жихозларни ва мосламаларни тайёрлаш;
- 2.7. технологик жихозларни урнатиш, қўйиш, соҳлаш;
- 2.8. қўйиш ишларини олиб қўйиш

Бош механик хизмати қуйидаги таркибдан тузилган:

- 2.9. технологик жихозларни марказлашган ҳолда таъмирлаш ва уларга хизмат курсатиш устандаси;
- 2.10. ностандарт жихозлар тайёрлаш ва янги техникани жорий этиш устандаси;
- 2.11. техник воситаларини таъмирлаш ва уларга хизмат курсатиш устандаси;
- 2.12. бино ва иншоотларни таъмирлаш, қайта қўйиш ва қўйиш бригадаси.

Булardan ташқари бош механик хизматига энергия қўлари, санитар-техника жихозлари, бошқариш воситаларини, гараж жихозларини таъмирлаш ва уларга хизмат курсатиш ходимлари ҳам қиради.

Агарда функциялар бўйича бажариладиган ишлар ҳажми етарли бўлмаса у ҳолда комплекс бўлимлар ташкил этилади.

Раҳбарият гуруҳлари хизматини ҳамма йуналишлари бўйича фаолиятини назорат қилиш, режалаштириш, таҳлил этишни амалга оширади.

Техник назорат хизмати

Техник назорат хизмати ҳаракат воситаларини техник ҳолатини АТК да назоратини ташкил тади: марказлаштирилган ишлаб чиқаришга келган автомобилларни агрегатларини, узелларини техник ҳолатини назоратини таъминлайди; техник хизмат курсатиш ва таъмирлашда бажариладиган ишларни сифатини назорат этади; АТК га келаётган материаллар сифатини назорат этади; технологик жихозларни, асбоб-ускуналарни ҳолатини назорат қилади; техник назорат хизмати ишини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади.

Назорат хизматига раҳбарлик қиладиган бошлик тутридан-тутри бирлашма бошлиғи бўйсинади.

Техник назорат хизмати бошлиғи қул остида техник назорат устаси, техник назорат механиклари ишлайди.

Техник назорат хизматини принципаал схемаси.



Назорат бўйича иш ҳажмлари етарли бўлмаганда баъзи функцияларни бирлаштирилади.

Назорат меъаниклари марказлашган ишлаб чиқаришга келган ҳаракат воситаларини қабул қиладилар;

Капитал таъмирланган автомобилларни, агрегатларни сифатини назорат қиладилар;

Филиалларда назорат механикалари ТХ ва Т ишларини сифатини назорат қиладилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ -ТЕХНИКА БУЛИМИ

